*Имом Бухорийга шарҳлар*

# ҲАСАД, ПУЛ ВА ИЛМ ҲАҚИДА

Ибн Масъуд ривоят қилдиким, пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: **«Икки (киши)дан бошқага ҳасад қилиш раво эмас: бири шундоқ кишиким, Аллоҳ унга молу давлат насиб этиб, уни ҳақ йўлида сарф этишга имконият берган бўлса. Яна шундоқ бир кишиким, Аллоҳ унга ҳикмат (илм) ато айлаб, уни ўз илми асосида қазоват қилиш (ҳукм чиқариш) ва бошқаларга ўз илмини ўргатиш имконини насиб этган бўлса».**

Ҳасад сўзи ушбу ҳадисда мажозан «ғибта» яъни бошқаларга берилган неъматни ўзи учун ҳам орзу қилиш маъносида ишлатилган. Таййибий уни «Ҳасад раво бўлганда, шу икки ўринда раво бўларди», — деб тафсир этган. Ҳар ҳолда ушбу ҳадисда иккита олий инсоний фазилатга даъват этилади. Биринчиси: яратувчи насиб этган бойликни нотўғри йўлларга эмас, балки ҳақ йўлига, яъни Аллоҳ ризосини жалб этадиган, ўзига ватани ва халқига хайру манфаат келтирадиган йўлларга сарф этишдан иборатдир.

Ушбу фазилат пул ва давлатни ҳадаф ва мақсад эмас, балки ҳаёт кечириш ва уни яхшилаш воситаси деб ҳисобловчи олижаноб инсонларга хос бўлиб, дунёпарастлик ва моддиётга берилишга қарши туради. Ҳарислик билан молу давлат тўплаб, уни айнан бахту саодат деб билиш, одамларни тубанлик ва руҳий тушкунликка олиб боради ва пулнинг қулига айлантиради. Очкўзлик билан пул тўплаш хислати кенг кўламда тарқалса, ўлка иқтисодиётига зарба бериб, иқтисодий буҳронга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳадисда талқин этилган иккинчи олий фазилат бу илму ҳикматга қизиқиш бўлиб, уни ўрганиш ва излаш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг диний ва дунёвий бурчи ҳисобланади.

Ислом таълимотида илм яшамоқ шартлари ичида энг биринчи ўринга қўйилган. Пайғамбар алайҳиссаломга биринчи марта ваҳий юборилганда, у уч марта ўқишга даъват қилиниб, қалам илм ўрганиш воситаси сифатида қадрланади. Устод Ҳамидулло «Қуръон»нинг французча таржимасида, қаламни инсонларнинг маърифат ва билим василаси сифатида мақташ биринчи ваҳийнинг асосий нуқталаридан бири эди, деб таъкидлайди.

Ислом динини илму маърифатсиз тасаввур этиш мумкин эмас. Айрим ғарб олимлари: масалан, Франц Роузентал: «Ислом илм демакдур» — деган хулосага келганлар. Агар биз «Ҳар бир эркак ва аёл мўмин-мусулмон учун илм ўрганиш фарздур», «Хитойда бўлса ҳам илм излангиз», «Бешикдан лаҳадгача (туғилгандан ўлгунга қадар) илм изланглар», деган ҳадисларни назарда тутадиган бўлсак, мазкур ҳадиснинг мазмунини чуқурроқ тушунамиз. «Қуръони карим»да илм сўзи 770 маротабадан кўпроқ, ақл ва тааққул сўзи 49 марта:, фиқ сўзи 20 марта, фикр ва тафаккур сўзлари 19 марта такрорланиб, инсонларни илм ўрганишга тарғиб этган.

Агар биз «Қуръон»даги коинот, айниқса, еру осмон, инсонлар ва ҳайвонлар, оламнинг шаклланиши, океанлар, дарёлар ва инсонлар яратилиши, юлдузлар ва қуёш системаси ҳақидаги юзлаб оятларни текшириб ўтсак, улар билан ҳозирги замонавий фанлар орасида ҳеч қандай қарама-қаршиликка дуч келмаймиз. Янги кашфиётлар ва янги илмий маълумотлар билан уйғунлик «Қуръони карим»нинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Шундай қилиб, Имом Бухорий ривоят қилган мазкур ҳадис катта ҳаётий аҳамиятга эга.

**Абдулҳаким Шаръий ЖУЗЖОНИЙ**



# МУҲАДДИСЛАР САРДОРИ

«Маънавият» нашриёти катта савобли ишга қўл уриб, таниқли арабшунос Убайдулла Уватовнинг «Муҳаддислар имоми» номли рисоласини кенг китобхонлар оммасига тақдим этди. Асарда ҳадис тарихи, ҳадис илмининг истилоҳлари, ҳадисшунослик, Исмоил Бухорий ҳаёти ва ижодий фаолияти тадқиқ этилган. Имом Бухорийнинг «Жомъеус-саҳийҳ» асарига жамланган ишончли ҳадислар ҳақида фикр юритилади. Шуни таъкидлаш лозимки, ўқитувчи, маънавиятимиз жонкуярлари орасида тадқиқотчи олим Убайдулла Уватовнинг номи катта ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Чунки, унинг асарлари у тадқиқ этган Имом Бухорийнинг саҳиҳ-ишончли асарлари сингари саҳиҳ тадқиқотлар каби қабул қилинади. Унинг шу вақтгача эълон қилинган Термизийнинг «Шамойилун-набавийя» (1993), Замахшарийнинг «Нозик иборалар» (1993), «Донолардан сабоқлар» (1994), «Маҳмуд Замахшарий» (1995), «Иймон нури» (1996) каби китоблари, юзлаб мақолалари ўқитувчиларимиз учун ишончли қўлланма бўларли ва маълумотларга бой тадқиқотлардир. Дўконларда бу китобларни топа олмайсиз, улар аллақачон ўз китобхонларини топишган.

Асл манбалар асосида ёзилганлиги, муаллифнинг мумтоз (классик) араб тилини мукаммал билиши ва китобхонлар томонидан бу ҳолнинг идрок этилиши унинг асарлари севиб ўқилишига, қадрланишига боисдир.

Биргина мисол. Муаллиф 1995 йили «Маҳмуд аз-Замахшарий» китобини нашр эттирди. Замахшарий ҳақида олдин ҳам тадқиқотлар олиб борилгани маълум. Убайдулла Уватов мазкур ишларга нисбатан ҳам ҳақиқий олим сифатида муносабатда бўлади ва китобига ўқувчилар манфаатини кўзлаб М. Оқиловнинг «Аз-Замахшарий асарларининг қўлёзма ва босма нусхалари» номли мақоласини ҳам ўзгартирмасдан киритади, мақола муаллифининг номини ҳам илмий қайд этади. Баъзи нашрларда илмийликка риоя қилмаслик, кўчирмалар пала-партиш хатолар билан олинаётган бир пайтда маънавият тадқиқотчисининг маънавий қиёфасига эътибор лозимдир. Зеро, аждодларимиз ва уларнинг маънавий мероси борасида чаласаводлик, эътиборсизлик билан фикр юритиш уларнинг муқаддас руҳи покларини ранжитади.

Шу жиҳатдан Убайдулла Уватовнинг китоб ва мақолалари ибрат бўларлидир. У ҳар бир сўзни ўйлаб, илмий асослаб таҳлил этади. Атама ва истилоҳларга ўринли ва аниқ изоҳ беради. Олимнинг навбатдаги тадқиқоти «Муҳаддислар имоми» китобхонни янги илмий хулосалари билан хушнуд этади. Китобда Имом Бухорийнинг тўла асарлари рўйхати келтирилади, уларнинг ҳар бирига тавсиф берилиб, тадқиқ этилиш даражаси баён этилади: «Адабул-муфрад» («Адаб дурдоналари»), «Китобул-куна» («Кунялар ҳақида китоб»), «Китобул-фавойид» («Фойдали ашёлар ҳақида китоб»), «Жузъ рафъул-йадайн» («Икки қўлни кўтариш ҳақида»), «Тарихал-Кабир» («Буюк тарих»), «Тарихул-авсат» («Ўрта тарих»), «Тарихус-сағир» («Кичик тарих»), «Жомеъ ул-кабийр» («Катта мажмуа»), «Халқафъол ул-ибод» («Оллоҳ бандалари ишларининг табиати»), «Китобуз-зиафо ус-сағир» («Заиф ровийлар ҳақида кичик китоб»), «Муснадул-кабир» («Катта муснад»), «Тафсир ул-кабир» («Катта тафсир»), «Китобул-ҳиба» («Хайр-эҳсон ҳақида китоб»), «Асомиус-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «Китобул-мабсут» («Муфассал китоб»), «Китобул-илал» («Иллатли ҳадислар ҳақида китоб»), «Бирулволидайн» («Ота-онага меҳрмуҳаббат»), «Китобул-ашрибати» («Шарбатлар ҳақида китоб»), «Қазойо ас-саҳоба ваттобеъин» («Саҳобалар ва тобеъинлар масалалари»), «Китобур-виқоқ» («Нафосат ҳақидаги китоб»), «Жомеъус-сағир фил-ҳадис» («Ҳадис ҳақида кичик мажмуа»), «Қироату халф ал-имом» («Имом орқасида туриб ўқиш»). Имом Бухорийнинг асарлари (23 та) рўйхати бу ерда тўлиқ келтирилмоқда. Бу шубҳасиз буюк муҳаддис ҳақидаги билимларимизга билим қўшади. Бундан ташқари муаллиф «Саҳийҳи Бухорий»га шарҳ ёзган юз нафардан ортиқ олим ҳақида ҳам маълумот беради.

Хуллас, Убайдулла Уватовнинг «Муҳаддислар имоми» китоби маънавиятимиз жонкуярлари учун буюк аждодимиз хотирасига муносиб туҳфа бўла олади.

**Наим НОРҚУЛОВ**

# ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТ

**Ўзбекистон Республикаси куролли кучлари Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг ҳудудий яхлитлигини, аҳоли тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан**

Ҳарбий қисм ичидаги уйларнинг бирида яшайман. Тонгда аскарлар айтган қўшиқ мени уйғотади. Бу ерда яшаётган болакайларнинг тили аскарлар айтган қўшиқни такрорлашдан чиққан, десам муболаға бўлмас. Аскарларнинг текис саф тортиб овқатга бориши, турли машқлар бажаришини кузатиб менда Ўзбекистон Қуролли Кучлари ҳаёти тўғрисида мақола ёзиш истаги пайдо бўлди. Бир йиллик кузатувдан сўнг энди ёзолсам керак, деган мақсадда Мудофаа вазирлигига мурожаат қилдим. «МТ»нинг илтимоси билан рухсат ҳам тегди. Вазирликнинг миллий гвардия аскарлари ҳаёти билан яқиндан танишишга киришдим.



*Ўзбекистон Миллий гвардияси хорижий давлатлар расмий вакилларини кутиб олиш ва кузатиш, Ўзбекистон Республикаси байрамлари ва тантанали маросимларини ўтказишга мўлжалланган.*

— Хизматини адо этиб қайтган йигитлар ўз уйларида ҳам эрталаб туриб жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланадилар. Укалари ҳам уларга эргашиб машқ қилишади. Сиз бу ҳолни қандай изоҳлайсиз? Аскарликда олинган яхши тарбиянинг натижасими?

— Бу яхшилик аломати. Кишининг соғлом юриши авваламбор унинг ўзига, қолаверса жамиятга фойда келтиради, — дейди қисм командири вазифасини бажарувчи офицер Раҳматилла Отахонов. — Бизда Ўзбекистоннинг энг асл, қаймоқ йигитлари хизмат қилади. Бир кишини билиш учун бир ботмон туз ейиш керак, деган нақл бор халқимизда. Йигитларимизнинг ҳар бири ўзига хос. Асосийси, улар кўнглига йўл топа олишда. Ҳарбий қисмда олинган тарбия, билим, чиниқиш турмушда кўп асқотади.

— Ёшларнинг ҳарбий хизматга иштиёқлари қандай? Чин дилдан хизмат қиладиларми, ё мажбурият асосидами?

— Буюк ҳарбий саркарда Амир Темурнинг бир гапи бор: «Куч — адолатда», деган. Президентимиз шунга қўшимча қилиб, «Куч билим ва тафаккурда» деган ғояни илгари сурди. Истиқлол ёшлар тафаккурида ўзгариш ясади. Мустақил фикрлашга ўргатди. Уларнинг ёшида биз бундаймасдик. Ёшларимиз қатъий, ўз билимига, кучига ишонади. Ватан, она тупроққа садоқат туйғусини юракларидан ўтказиб байроқ ўпиб, қасамёд қилаётган аскарларни кўрганда юрагинг тезроқ ура бошлайди. Улар Ватанни қўриқлайман, ўз йигитлик бурчимни адо этаман, деб келадилар. Йигитлардаги мана шу иштиёқ ҳеч сўнмаса экан, дейсиз.

**АСКАР БЎЛДИМ, ОНАЖОН**

**ҳарбий қасамёд**

**Мен (фамилияси, исми отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, халқимга, Президентимга содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қиламан.**

**Мен Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ва қонунларини муқаддас билиб, уларга риоя этишга, ҳарбий низомларни, командирлар ва бошлиқларнинг буйруқларини сўзсиз бажаришга, ҳарбий интизомга қатъий риоя қилишга, ҳалол, жасур ва сергак жангчи бўлишга қасамёд қиламан.**

**Сўнгги нафасим қолгунча Она — Ватанимнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга аждодларим руҳи олдида қасамёд қиламан.**

**Жонажон Ўзбекистонимнинг нурли истиқболи учун, унинг давлат манфаатлари ва мустақиллигининг ҳимоячиси бўлишга қасамёд қиламан.**

**Агар мен ушбу тантанали қасамёдимни бузсам, қонунларда белгиланган жазога ва халқнинг нафратига мубтало бўлай.**

Аскарлик формасини эгнига олган 18 ёшли навқирон ўғлон барчанинг олдида, Ватан олдида ана шундай ҳарбий қасамёд қилади. Гарданига юрт тинчлигини, она халқи осойишталигини қўриқлаш масъулиятини олади.

**«Ҳур Ўзбекистон, унинг халқи ўз Қуролли Кучларига, унинг салоҳияти ва кудратига таянади»** деганди Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. А. Каримов. Дарвоқе, «Ўзбекистон армияси халқ тинчлигини сақлашга қодир». Буни вақт, ҳаёт кўрсатмоқда.

Агар Ватан билан халқ икки қорачуғ бўлса, армия уни гарду ғуборлардан асраб тургувчи киприкдир. Бу киприкнинг сони минглабдир. Бу киприклар садоқат сувидан ичади. Қадлари расо, кўркам бўлиб ўсади бу посбон — киприклар. Соғлом кўзни соғлом киприкларгина асрай олади.

— Ҳар бир аскарнинг саломатлиги назорат остига олинган. Тез-тез уюштириладиган суҳбатлар керакли маслаҳатларни бериб борамиз. Дори-дармонларимиз ҳам етарли, — дейди ҳарбий қисм тиббий хизмат бошлиғи майор Шавкат Мардонқулов. — Тиббий бўлимда тиш даволаш, физиомуолажа, лаборатория, тезкор ёрдам кўрсатиш хонаси мунтазам ишлаб турибди.

— Кўпроқ қандай ҳолларда аскарлар сизга мурожаат қилишади?

— Баъзан оёқ оғриғидан шикоят қилиб келишади. Чунки этикда юришга ўрганишмаган. Биз турли жарроҳлик ишларини ҳам олиб борамиз. Яқинда оддий аскар Карим Саъдиев асоратли чипқон билан келди. Жарроҳ катта лейтенант Ботир Муҳиддинов беморни олти кун ичида даволаб ҳарбий сафга қайтарди. Ҳар бир аскар ота-онаси бағрига соғ-саломат қайтсин. Аскар саломат юрса хизматни яхши ўринлаб юзи ёруғ бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ёш авлодни, ўз ватанининг ватанпарварларини тарбиялашда муҳим ўрин эгаллайди.**

**И. А. КАРИМОВ**

Миллий Гвардиядаги тарбиявий-маърифий ишлар қай даражада экан, деб ўз-ўзимга савол бераман. Билишни истаган кўп нарсаларга ҳарбий қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари, зобит Асадулла Мирзаев билан суҳбатда жавоб топаман.

— Шахсий таркиб билан ҳарбий тарбия, давлат ва ҳуқуқ, маънавий-маърифий, ватанпарварлик, тарбия йўналишларида мунтазам иш олиб борамиз. Аскарларнинг ижтимоий-сиёсий тайёргарлигини ошириш мақсадида ҳафтада уч марта ўқув машғулотлари ўтказамиз. Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик, жисмоний тайёргарлик, тактик ва тезкорлик маҳорати, ўқ отиш, сафланиш, дала-тоғ машғулотлари, кимёвий , ҳаво десантлари тайёргарлиги каби ўқув турлари бўйича машқлар ўтказилади. Бу аскарларнинг ҳар нафас мудофаага тайёр туришини таъминлайди.

Дам олиш кунларида элнинг таниқли олимлари, ёзувчилари билан тез-тез учрашувлар ташкил қиламиз. Шоир ва ҳарбий шифокор Искандар Раҳмон, ёзувчи Евгений Березиков, Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Сайёра Рашидоваларнинг қисмимизга ташрифи офицеру аскарларимизда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафида хизмат қилаётган аскарларнинг бир қисми олий маълумотли ва шунингдек, турли касб эгалари бўлса, бошқа бир қисми шу ерда касбу кор эгаллайди. Албатта, армияга қадар эгалланган сартарошлик ҳам, пойабзал таъмирлаш ҳам, ҳайдовчилик ҳам, слесарлик каби ҳунарлар ҳам бу ерда иш беради.



**ТИНЧЛИКНИНГ БАҲОСИ БОРМИ?**

Узоқдаги соқчи гоҳ у, гоҳ бу томонга юриб посбонлик қилмоқда. Менинг, сенинг тинчлигимиз мана шу иссиққа ҳам, совуққа ҳам бардошли соқчи қўлида эмасмикин? Тинчликнинг баҳоси борми? — дейман. Хотиржамлик, эл-юрт осойишталиги офицер ва аскарлар сергаклиги, жасурлиги эвазига берилган неъмат эмасми? Тинчлик сўзининг улуғлиги, муқаддаслиги Ватан, Она каби тушунчалар қаторида эканлигини англаб қоламан. Аскарларга меҳрим ортади. Энг яхши сўзларни улар ҳақида ёзсам дейман.

Фарзандини ҳарбийдан тезроқ қайтишини кутаётган оналар дуоси ҳаққи, касалхоналарда соғайиб кетиш орзусида ётган беморлар дуоси ҳаққи, оппоқ соқоли кўксига тушган азиз отахонлар дуоси ҳаққи юртимизда тинчлик барқарор бўлсин.

Болаларим ширин уйқуда ётибди. Аммо Ватан кенгликларидан хаёлан чиқиб дунёга бўйласам, тинчлик сўзининг, Тинчликнинг қадри ошиб бораверади. Барча болажонларнинг тунлари хотиржам, кундузлари қувноқ ўтсин дейман.

— Қийинчиликлар йўқми?— деб сўрайман аскарлардан.

— Йўқ, берилган топшириқ ва вазифаларни вақтида бажарсанг, қийналмайсан, — дейди оддий аскар Машъал Ҳошимов.

— Асли андижонликман. Уйдагиларнинг қадри бу ерда кўпроқ сезиларкан.

* * *

— Аскарларга қандай имтиёзлар берилган? — сўрайман оддий аскар Фахриддин Абдуллаевдан.

— Яхши хизмат қилсанг, ўн кунлик таътил берилади. Аскарнинг ота-онаси фарзандининг хизмати даврида ер солиғидан озоддир. Бир ярим йиллик хизмат муддати меҳнат дафтарчасига уч йил деб ёзилади. Ўқишга кириш чоғида йиққан балингга яна ўртача 10 фоиз балл қўшиб берилишидан ҳам хабарингиз бордир.

Ҳар баҳор, ҳар кузда неча минглаб ўғлонлар хизмат сафарига отланади. Уларнинг нияти пок, мақсади битта: у ҳам бўлса, мустақил юрт осойишталигини сақлаш, албатта ҳарбийлик даврида кўплаб дўстлар орттириб тутган ҳарбийлик албомини дўстлар сурати билан тўлдириб, йигитлик бурчини сидқидилдан ўтаб уйига ёруғ юз билан қайтишдир. Ниятингиз ҳамроҳингиз бўлсин, менинг асл ва мард укажонларим!



**БИР САВОЛГА ИККИ ХИЛ ЖАВОБ**

— Сизнингча йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, чиниқтириш қаердан бошланиши керак?

— Мактабда, — дея жавоб беради офицер Асадулла Мирзаев. Ёшларга малакали, ватанпарвар, элпарвар, савияси баланд миллий кадрлар дарс ўтишини истаймиз. Ҳарбий таълимдаги бошланғич билим ҳам шунга яраша бўлади.

— Менингча бу фаолиятни оиладан бошлаган маъқул, — дейди Р. Отахонов. — Бувим жуда ёшлигимдаёқ ишимда тартиб бўлишини талаб қилардилар. Рўмолчам, пайпоғимни ўзимга ювдирар, кейинчалик дазмол босишни ўргатганлар. Болани ёшликдан мустақил бўлишга, мустақил фикрлашга ўргатиш керак. Ҳарбий соҳада кўп йиллардан буён ишлаб келмоқдаман. Хизмат тақозоси билан турли юртларда бўлдим. Ўрганганларим асқотди. Ҳарбийлик ўзи оғир соҳа. Лекин шунга қарамай тўрттала ўғлим ҳам шу соҳани танлаган.

**ҚОЧИШ ХАЁЛИМГА КЕЛМАЙДИ**

— Ҳамма аскарлар ҳам армия шароитига кўникиб кетавермайди. Қисмингизда аскарларнинг қочиш ҳоллари ҳам бўладими? — деб сўрайман Р. Отахоновдан. Йўқ дея. қатъий жавоб қилди у киши.

— Ўғил бола вақти-вақти билан уй шароитидан узоқлашиб тургани маъқул. Йўқса, бирданига учраган айриликка дош беролмай, қочиш истаги пайдо бўлади. Уйини соғинса, қочиб кетгиси келаверса, бу ҳали болалик тугамаганлигини кўрсатади. Бундан ташқари аскарликнинг ёзилмаган қонунлари бор. Иродани — эрлик иродасини мустаҳкам қилиш керак. Оилада яратилган яхши муҳит бизнинг ишимизни осонлаштиради.

— Буни қўрқоқлик, заифлик, иродасизлик деб биламан. Шахсан менинг, қочиш хаёлимга ҳам келмайди. Иложи бўлса хизматдан сўнг шу ерда қолсам дейман.

— Ўзбекистон мустақил бўлгач, ўз Байроғи, Гимни, Гербига эга бўлди. Давлат тилига ўтиш жараёнида ҳарбий соҳада ҳам қийинчиликлар бўлаётгандир?

— Дарсларни, машғулотларни ўзбек тилида ўтамиз. Аммо қийинчиликлар йўқ, деб бўлмайди. Ўзбек тилидаги ҳарбий қўлланмаларнинг етишмаслиги сир эмас, — дейди суҳбатимизга қўшилган Асадулла ака.

— Ҳарбий атамаларнинг русча-ўзбекчадан иборат қисқача луғатини тузганмиз. Лекин бу кам. Олимларимиз шу бобда бизга ёрдам берсалар хўб иш бўларди.

Тонг. Аскарлар гупур-гупур югуриб турли машқлар бажармоқда. Дунёмизнинг тинчлигидан, осойишталигидан далолат берганча жилмайиб қуёшжон кўтарилаётир. Осуда тонг, тинч ҳаёт қандай яхши-я! Қанчалар майин бу кузак шамоллари. Дарахтлар соғинчини, бағридаги олтин ранг япроқлар мисолида сочиб ташламоқда. Қулоғимга таниш, боз бояги қўшиқ эшитилади.

**Ўзбекистон масканим маним,**
**Озод ватан гулшаним маним,**
**Юрак бағрим, тан-жоним маним,**
**Ватан учун хизмат қиламан.**

Агар сиз Ватан сувратини кўрмоқчи бўлсангиз, аскарлар кўзига қаранг. Агар сиз соғинчни кўрмоқчи бўлсангиз, тағин аскарлар кўзига қаранг. Уларнинг ўзлари айтаётган қўшиқдаги Она-ватан юрак-юрагига, жон-жонига айланиб кетган экан, демак, тинчлик устивор, Ватан боқий, мардлик муқаррардир.

**Дилором ИСМОИЛОВА**

